

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотлар
ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитилишини ташкил қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва тизим ташкилотларининг ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Вазирлик ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

4. Вазирлик ходимларини ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:
холислик ва илмийлик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жиҳатдан қулайлик – Вазирлик ходимларини ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек, ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек, Вазирлик ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-манتيқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий

тушунчалар ва вокеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукамалга ва ҳ.к. ўтиш асосида амалга оширилади;

ҳаммабоплик – Ўқитиш Вазирлик ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, Вазирликнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш;

дифференцияланган ёндашув – Вазирликда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда махсус ўқитилади;

ўқитиш усуллари ва шакллари доимий равишда такомиллаштириш – Вазирлик ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Вазирлик ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

5. Ўқитиш шакллари ва усуллари аниқлашда, шунингдек, этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Вазирлик ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қуйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Вазирликнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Вазирликнинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг ахлоқий қадриятлари ва Вазирликнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Вазирлик ходимларини Вазирликда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Вазирликнинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар

6. Вазирликнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими Вазирлик ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув

материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Вазирликда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

7. Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими (кейинги ўринларда – Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими) Вазирлик ходимларини ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Вазирликнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.

9. Вазирлик Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ва Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Вазирликда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. ўқитиш турлари ва шакллари

10. ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:
барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;
Вазирлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Вазирлик тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш Вазирликнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

12. Вазирликнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан, ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворида қўйилган талаблар, Вазирлик ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Вазирликнинг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Вазирликда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллаш билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Ўйриқномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Вазирлик ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Вазирликнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Вазирликда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

14. Вазирлик ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Вазирлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Вазирлик ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Вазирлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичида топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Давлат органлари ва Вазирликлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички ҳужжатлар.

19. Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги экспертларни жалб қилиш, шунингдек, бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (Вазирликлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

20. Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

21. Ушбу Йўриқноманинг 19-бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида 10 (ўн) соатни ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

22. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

23. Вазирлик ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

24. Вазирлик ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротатсия қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Вазирликда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Вазирлик раҳбари қарорига мувофиқ.

25. Вазирликга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичида

коррупцияга қарши ва Вазирлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув шакли учун) ва мазкур бобнинг 22–23-бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Вазирлик ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Кадрлар тузилмаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

26. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва 31 декабргача уни вазирга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек, ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар тузилмасининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қилади. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кундан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Кадрлар тузилмасини огоҳлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш

28. Кадрлар тузилмаси Вазирлик ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йиғиб боради ва уларни ҳар чоракда Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлимига тақдим этади.

Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими олинган маълумотларни таҳлил қилади (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича

доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек, ўқув материаллари коррективроқ қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

29. Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар тузилмаси раҳбари бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

30. Ўқитиш жадвали, йўқлама варақалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Кадрлар тузилмасида сақланади.

8-боб. Яқуний қоидалар

31. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг ички ҳужжатларида ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

32. Вазирлик ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги ва тизим ташкилотлари
ходимларининг этика ва коррупцияга қарши
курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш
бўйича йўриқномага илова**

**Вазирлик тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитишнинг
ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Вазирликда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.
Вазирликда коррупцияга қарши курашиш усуллари	Вазирликдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек, муҳим чора-тадбирлар шарҳи; Вазирликдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).

Мавзу	Компонентлар
<p>Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар</p>	<p>Вазирликдаги хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари; Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар; Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ходимларни Вазирликка танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфдаги идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек, улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Вазирлик фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.</p>
<p>Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик</p>	<p>Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик; Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи.</p>

Мавзу	Компонентлар
Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли	Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида; Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш; Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш; Фуқаролик жамияти институтларининг Вазирлик билан ўзаро ҳамкорлиги.